
Абдуманнон Асқаров Марғилон шаҳар Ички ишлар бўлими бошлиғи этиб тайинланди

Подполковник Асқаров Абдуманнон Абдурашидович Марғилон шаҳар Ички ишлар бўлими бошлиғи этиб тайинланди. Кеча бўлиб ўтган Халқ депутатлари Марғилон шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Абдуманнон Асқаров жамоатчиликка таништирилди.

Абдуманнон Асқаров 1981 йилда Учкўприк туманида туғилган, ИИБ академиясини ҳуқуқшунос мутахассислиги билан тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 2006 йилда Қўқон шаҳар ИИБда бошлаган.

2017-2018 йилларда Бувайда туман ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, 2018-2022 йилларда Бешариқ туман ИИБ бошлиғи бўлган. 2022 йилда Бағдод туман ИИБга раҳбарлик қилган.

2022-2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси магистратураси тингловчиси.

2023-08-12 10:38:09